



ANALYSIS OF ORNAMENTS IN TRADITIONAL EMBROIDERY OF UZBEKISTAN AND ITS APPLICATION IN MODERN DRESSES

Shokhsanam Shukuralieva

department head

National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Behzod

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, fabric, embroidery, design, national, fashion, pattern, ancient, sewing methods.

Received: 22.09.24

Accepted: 25.09.24

Published: 27.09.24

Abstract: This article scientifically analyzes the ornaments of Uzbek embroidery and discusses the appropriate application of their classification into groups in modern clothing designs. It also explores the use of Uzbek national ornaments by foreign designers in dress creation and their influence on contemporary fashion.

ЎЗБЕКИСТОН АНЪАНАВИЙ КАШТАЛАРИДАГИ ОРНАМЕНТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Шоҳсанам Шукуралиева

бўлими бошлиғи

К. Беҳзод номидаги МРДИ

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон, мато, кашта, дизайн, миллий, мода, нақш, кадимий, тикиш усуллари

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон кашталаридаги орнаментлар илмий таҳлил қилиниб, келиб чиқиш гуруҳларига кўра классификацияси замонавий либослар моделларида тўғри қўлланилиши кўриб чиқилган. Шу билан бирга ўзбек миллий орнаментларни хорижий дизайнерлар томонидан либосларда қўлланилиши ва унинг замонавий модага бўлган таъсири ёритилган.

АНАЛИЗ ОРНАМЕНТОВ В ТРАДИЦИОННОЙ ВЫШИВКЕ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В СОВРЕМЕННЫХ ПЛАТЬЯХ

Шохсанам Шукуралиева

руководитель отдела

Национальный институт живописи и дизайна имени Камолиддина Бехзода

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, ткань, вышивка, дизайн, национальная, мода, узор, древний, способы шитья.

Аннотация: В данной статье научно проанализированы орнаменты узбекской вышивки и рассмотрено правильное применение их классификации по группам в современных моделях одежды. Также освещается использование узбекских национальных орнаментов зарубежными дизайнерами в создании коллекций и их влияние на современную моду.

КИРИШ

Ўзбек кашталарининг гўзаллиги ва жозибаси, нақшларда қўлланилган элементларнинг қадимийлиги, тикиш усулларини ранг-баранглиги халқ амалий санъатининг бу тури узоқ тараққиёт босқичини босиб ўтганидан далолат беради.

Каштадўзлик асосан, юртимизнинг савдо-сотик ва хунармандлик ривожланган шаҳар ва қишлоқларида, қадимда деҳқончилик маданияти ривожланган ҳудудларда кенг тарқалган.

Халқимизнинг каштадўзлик санъати бир неча турга бўлинади: сўзана, нимсўзана, рўйжо, жойпўшак, чойшаб, тақяпўш, ой палак ва гул палак, сандалпўш, зардевор, дорпеч ва кирпеч, жойнамоз, бугжом, бешикпўш ва бошқалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кашта кийимларда, уй-рўзғор буюмларида шунингдек ўтовларни безашда ҳам ишлатилган. Кашта гулларининг бадий маъно-мазмунини ва композицион ечими тайерланадиган буюмнинг амалда қандай мақсадда фойдаланилишидан келиб чиқиб белгиланар эди.

Каштанинг композицион жиҳатдан йирик турларидан бири сўзана бўлиб, сўзана нақшларини маҳаллий услубига қараб таснифлаш керак.

Ҳар бир вилоят кашталари бир-биридан ўзига хос услубий хусусиятлари билан фарқ қилади: ранглари, безак элементлари ва композицион ечими билан.

Ана шу белгиларга суяниб кашта намуналарини қайси вилоятга тегишлигини аниқлаш мумкин. Аммо бу аниқлаш усули ҳам доимо қўл келавермайди, чунки, биринчидан, ҳали барча маҳаллий кашта турлари ўрганиб чиқилмаган. Иккинчидан, турли вилоят кашталарида бир бирига ўхшаш нақшларнинг учраб туришидир. Бунга сабаб каштадўз

аёлларнинг бошқа вилоятларга турмушга чиқиши, кўчиб ўтиши натижасида уларнинг урфларини ўзида қўллашидир.

Каштанинг келиб чиқишини аниқлашга қийинчилик туғдирадиган яна бир сабаб, унинг ҳар бири нақш элементларини ноёблиги ва худди шундай нусхаси ёқлигидадир. Ҳар бир сўзанада уни яратувчисининг индивидуал қўл иши муҳрланган бўлади. Лекин умумий оладиган бўлсак кашталар маҳаллий услуби шундоқ бир биридан ажралиб туради.

Ўзбекистон кашталари ўзига хос гуруҳни ташкил этади: уларнинг барига ислимий(гулли ва баргли) нақшлар киради. Фақатгина Тошкент (палак деб номланувчи) сўзанасти ўзининг астрал(ой юлдуз) мотивлари билан ажралиб туради.

Самарқанд. Тикиш учун қўлланиладиган ашёлар: мато ва иплар ва маҳаллий ишлаб чиқарилган бўёқлар (матолар оқ қизил ва сариқ рангларда).

Самарқанд сўзаналарининг асосий қисми босма чокида ишланган.

Самарқанд босма чоки Бухоро ва Нурота босма чокидан яққол ажралиб туради. Самарқандда ип қаттиқ буралиб матога қаттиқ тортилиб тикилиб бунинг натижасида рельеф ҳосил бўларди. Бухоро ва Нуротада эса шойи иплар енгилгина буралиб матога бўш қилиб ётқизиб тикилади.

Канда- ҳаёл чоки кўпроқ Ургут кашталарида кенг қўлланилган.

Қоплама чокнинг учинчи тури - чинда-ҳаёл деб номланади. Матога игна қадалиб бир меъёردа тикиб чиқилади. Шу тариқа матонинг олди ва орқа томонида бир хилда гул ҳосил қилинади. Бу чок икки томони кўринадиган буюмларда қўлланилган масалан, белбоғ, рўмол, сочик.

Ҳошия чоклари икки хил бўлган: илмоқ ва тамбур.

Композиция ва нақш. Кашта турларида нақшлар композицияси уларнинг нима мақсадда ишлатилишига қараб қатъий анъаналар асосида аниқланади.

Унинг тамойили ҳар бир мактаб учун умумий бўлиб қолган.

Кашта орнаментининг асосий нақшидан бири розетка ҳисобланади, Самарқанд ва яна бир қанча жойларда- “лола” деб аталган.

Тошкентда эса бу нақш –ой деб номланган.

Бухоронинг бир қанча чекка туманларида бу нақш -“офтоб” деб юритилади.

Нақшлар семантикаси.

Самарқанд декоратив кашталари тарихнинг турли босқичларига хос бўлган нақшлари семантикасини таҳлил қилиш бизга қизиқ манзарани очиб беради.

Кашта безакларида ишлатилишиши муҳим ҳисобланган нақш элементлари-пичоқ, шамчироқ, қалампир ва бодом бўлган, булар ҳимоя вазифасида ишлатилган, айтишларича ёмон руҳлар бу элементлардан кўрқиб, буюм эгасига яқинлаша олишмаган.

Яна бир кучли ҳимоя – олов ҳисобланган, нақшда у кўпинча шамчироқ кўринишида тасвирланган.

Чорчироқдаги олов ёшларни ёмон кўздан асраш учун тасвирланар эди.

Қизил қалампир эса янги туғган аёл ва болани ёмон руҳ алвастидан ҳимоя сифатида ишлатилган уни ҳатто хона эшигига қуриган ҳолида ипга териб осиб қўйилган. Худди шундай маънода бодом ҳам қўлланилган.

Кучкорак (қўй) нақши, қўйнинг эркак (қўчқор) шоҳлари бурамаси тасвирланган. Агар оилада бола чақалоқ даврида оламдан ўтаверса янги туғилган чақалоқни Қўчқор деб чақиришар эди.

Декоратив каштачилик.

Самарқанд-Ходжент услубий гуруҳи.

маҳаллий ва бадий ечими бўйича асосан сўзана икки йирик услубий гуруҳга бўлинади.

Самарқанд-Ходжент услубий гуруҳи Самарқанддан ташқари ўзига Тошкент, Жиззах, Ходжент декоратив каштадўзлигини олади. Содда безаклар, катта нақш элементлари, тасвирланган мотивларнинг юқори даражада стилизацияси, умумий совуқ ранглар, композиция ва нақшларнинг кўп бўлмаган тури-шу гуруҳ умумий услуб хусусиятига киради.

Тошкент. Тошкентда икки хил сўзана тури мавжуд бўлган. Уларнинг номи ҳам ҳар хил бўлган: бири-палак, иккинчиси-гул-кўрпа деб номланган. Палак нақш ва композицияси яхши ташкил қилинган қонунлар билан белгиланади: мато нақшлар билан зич тўлдирилади, асосий композиция симметрик жойлашган қизил-пушти розеткалар бўлади. Гул-кўрпа Нурота сўзанасини эслатувчи бўш жойлашган гуллаган буталар ёки шоҳлардан ташкил топган нақшлар билан безатилган.

Тошкент сўзанаси бошқа сўзаналарга қараганда кўполроқ кўринади аммо ўзига хослиги билан ажралиб туради. Нурота сўзанасидан гул турлари, масалан Тошкент сўзанасида гулсафсар бўлмаган, ранглари, Тошкентда барг элементлари тўқ- яшил, Нуротада эса оч сарғиш яшил бўлган, ажралиб турган.

Тошкент сўзанасининг биринчи кўриниши палак- мотивларнинг ҳаддан ташқари безакдорлиги билан ажралиб туради, шу туфайли уларнинг ҳақиқий прототипи сезилмайди. Бундай нақшлар қайсидир хусусияти қадимий астрал ибодатлар билан (бундай сўзаналар Самарқанд сўзанаси каби ёмон кўзлардан асраш вазифасини ўтаган) боғлиқ бўлса, гул-кўрпадаги ўсимлик мотивлари-буталар, бундай маънода ишлатилмаган.

Жиззах. Жиззах сўзана нақшлари ўзида йирик қизғиш розеткаларни, бир жойда жойлашган икки-учта аммо бир бирига қўшилиб кетмаган чеккалари қиррали айланаларни

жамлаган. Бундай хусусият Тошкент розеткаларига ҳам ҳосдир, аммо Тошкент сўзанасида айланалар бир бирига қўшилиб кетади Жиззахникида эса орасида ипчалик ингичка қаймоқ ранг кўринишида жой қолади, бу матонинг ёруғ ўтказган қисми ҳисобланади.

Розетка ва уни қамраб олувчи ярим ой кўринишидаги нақшлар Жиззах каштасининг асосий орнаментал композитсиясини ташкил этади. Жиззах сўзанасига хос яна бир хусусият сўзананинг тўрт бурчаги ҳошиясида унча катта бўлмаган учбурчак “туморча” шаклининг борлигидир.

Фарғона. Фарғона сўзанаси ўзининг рангли - тўқ яшил, тўқ кизил, бинафшаранг ва қора фонга босма чокида унча зич бўлмаган ингичка безакларлар, кўпинча бута ёки шох баъзида розетка туширилган нақшлари билан ажралиб туради. Фарғона сўзанаси яхши ўрганилмаган сўзана турига киради.

Декоратив (безакли) каштачилик.

Бухоро-Нурота услубий гуруҳи.

Иккинчи гуруҳ ўрта Осиё сўзанасининг асосий хусусиятлари:

1. Колорит, Самарқанд, Жиззах, Тошкент сўзанасидан ўзининг рангларга бойлиги;
2. биринчи гуруҳга қараганда нақшларининг кўплиги, нозиклиги ва майдалиги шу билан бирга бир нақш бошқасида худди шу кўринишда учрамаслиги яъни элементларнинг хилма хиллиги билан;
3. Самарқанд-Хожент услубий гуруҳига қараганда нақшларда стилизациянинг камлиги, яъни ҳар бир шакл (кўза, қуш, ҳаттоки одам) реал кўринишига яқинлиги;
4. ҳошиянинг композицион ечими, асосий майдонга қараганда мураккаб безатилиши;
5. Композиция турнинг кўплиги ва мураккаблиги, безак элементларига бойлиги билан ажралиб туради.

Бухоро. Бухоро сўзанасини бажарилиш техникасига кўра икки гуруҳга бўлишимиз мумкин: игна билан турли хил чокларда тикилган ва тамбур чокида илмоқ орқали тикилган.

Бухоро кашталари безак шакли ва нақшлар композицияси шу даражада аниқ хусусиятга эгаки уларнинг кўплигига қарамасдан бу кашта мактабини бошқа мактаблардан ажратиб олиш одатда унчалик қийинчилик туғдирмайди. Ўзбекистоннинг бошқа мактаб кашталарига қараганда Бухоро кашта безакларида кўпроқ ўсимликлар – барглари, гуллари ва розетка акс этган. Самарқанд ва унга тегишли бўлган бошқа услубий гуруҳларга қараганда Бухоро кашта безакларида ўсимликлар (анор мевали шохлар, гулсафсар гуллари ва ҳоказо) реал шаклда акс эттирилган. Бундан ташқари Бухоро кашталарида ҳайвон ва қушлар мотивларини ҳам учратишимиз мумкин.

Нурота. Нурота сўзанаси ўзининг юқори сифати, безакларнинг гўзал ранглари ва тикиш техникаси билан санъатшунослар орасида машҳур.

Ўзининг бадиий кўриниши билан эски Нурота сўзаналари Бухоро сўзаналарига яқин бўлиб, бирга бир услубий гуруҳни ташкил этади. Нурота кашталари безагининг барг қисмига майдай тикилган гул орнаментлари билан чиройли кўринувчи оч ва илиқ ранглар хос.

Безаклар композитсиясига кўра Нурота сўзанасини учга бўлишимиз мумкин: биринчиси энг оддий, бунда майда гул бутали горизонтал чизиқлар шахмат кўринишида жойлашган, бундай жойлашувда одатда ҳошия унча кенг бўлмайди ва оддий чизиқ тортилган бўлади.

Композициянинг иккинчи кўриниши бироз мураккаб бўлиб: майдон марказида майда бўлақлардан ташкил топган йирик шакл, кўпинча юлдузсимон аксар ҳолларда эса айлана ёки кўпбурчак шаклида медалён бўлади.

Композициянинг учинчи кўринишида сўзана маркази ва ҳошияси зич тикилган бўлади.

Нурота кашта безаклари семантикаси бироз мавҳум бўлиб, унда ўсимлик ва гуллар кўпроқ учрайди. Аммо уни бошқа сўзаналардан ажратиб турадиган яна бир жиҳати, каштадаги асосий элементлар орасида маълум бир маънони англатувчи реалистик (кўза, қуш ҳаттоки баъзида инсон) шаклининг мавжудлигидир.

ХУЛОСА

Умумий қилиб айтадиган бўлсак, кашта буюмлари шу жумладан сўзанадаги нақшларнинг барчаси ёмон кўздан асраш вазифасини бажарган.

Ҳар бир миллатнинг аждодларидан мерос бўлиб келган ўзига хос кийиниш маданияти, урфи ва услуби бор. Аммо давр ва замонлар бир жойда турмагани, эврилишларга юз тутгани каби, либослар ҳам ўзгариб туради. Бу бугунги кун ва замон талаби билан узвий боғлиқ. Биз буни модалар оламидаги янгилик деб атаймиз. Либос дизайнерлари ва чеварлар либосларнинг янги урфларини яратиш устида тинмай изланишлар олиб боришмоқда ва бу борадаги лойиҳаларини – тайёр либосларини элга намойиш этишмоқда.

Ҳар бир халқнинг маданий меросини акс эттирувчи миллий либослардаги кашта безаклари ҳар доим мода дизайнерлари учун илҳом манбаи бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда юртимиздаги дизайнерлар фаолиятидаги либосларда қадимги амалий санъат турларидан бири саналган кашталарнинг безак сифатида қўлланилиши бунинг ёрқин мисолидир.

XX аср охирларига келиб умуман барча миллий орнаментларимиз янги кўринишда замонавий либосларда акс эта бошлади.

2000 йилларда мамлакатимиз мода оламида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Миллий матоларимиз барча аёл ва эркак кийимларида фаол қўлланилиб, нафақат мамлакатимиз хатто жаҳон подиумларида машҳур дизайнерлар томонидан кўрсатила бошланди.

Миллий матоларимизни биринчи бўлиб жаҳон дизайнерларидан Oskar de la Renta ўзининг баҳор-ёз 2005 коллекцияси билан олиб чиқди. Бундан ташқари миллий орнамент ва матоларимиздан Balenciaga, Dries Van Noten, Gucci, Dior, Zara каби брендлар ўз коллекцияларини яратдилар.

Орнаментларимиз ўзининг ёрқин ранглари, нозик чизиқлари ва айниқса ҳар бир гулининг чуқур маънога эгаллиги билан ажралиб туради. Шу тўғрисида ҳозирги кунда миллий безаклар ишлатилган кийимларга аёллар ўртасида талаб катта.

Либосни безатишнинг бундай усуллари миллий дизайннинг ривожига хизмат қилиб, ижтимоий ҳаётни ва глобаллашув жараёнларининг мураккаблашуви оқибатидир. Халқнинг ўз-ўзини англаши ва анъанавий маданиятга қизиқишнинг кучайиши натижасида барча миллий нарсаларга эҳтиёжнинг ўсиши маданий ва этник илдизларини йўқотмасликка, этноснинг ҳамма нарсани ютиб юборувчи глобал жараёнлардан ҳимояланишига интилиш бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Г.К. Хасанбоева, В.А. Чурсина. Костюм тарихи. / дарслик, Т.: Узбекистан. 2002. – 320 б.
2. Ф.Атахонова. Замонавий либосларни моделлаштириш. Т.:2008
3. О.А.Сухарева. К истории развития самаркандской декоративной вышивки. «Литература и искусство Узбекистана», 1 93 7, № 6
4. Фахретдинова Д.А. Декоративно прикладное искусство Узбекистана. Т.: 1972.